

Ҳуд сураси, 18-24

05:00 / 23.01.2017 3242

18. Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиган кимсадан ҳам золиброқ одам борми? Ана ўшалар Роббиларига рўбарў қилинурлар ва гувоҳлар: «Анавилар Роббилари шаънига ёлғон гапирганлардир. Огоҳ бўлингким, Аллоҳнинг лаънати золимларгадир», дерлар.

Аслини олганда, ёлғон катта гуноҳ. Энди, ўша ёлғон улуғ зотнинг-Аллоҳ таолонинг шаънига айтилса, яна ҳам катта гуноҳ бўлади. Ундай ишни қилган кишилар золимларнинг золими бўлади.

«Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиган кимсадан ҳам золиброқ одам борми?»

Бундай зулмни қилган одамлар тек қўйилмайди. Албатта, қиёмат кунида:

«Ана ўшалар Роббиларига рўбарў қилинурлар ва гувоҳлар: «Анавилар Роббилари шаънига ёлғон гапирганлардир. Огоҳ бўлингким, Аллоҳнинг лаънати золимларгадир», дерлар».

Қиёмат куни халойиқ маҳшарга тўпланганида, улар ҳамманинг ичида шарманда бўладилар. Гувоҳлар халойиқнинг ичидан уларни алоҳида ажратиб кўрсатадилар, ҳаммаси ошкор этилиб, шарманда бўладилар.

Имом Бухорий ва Имом Муслимлар Қатода розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда Сафвон ибн Мақриз дерлар: «Ибн Умарнинг қўлидан ушлаб кетаётган эдим. Бир одам йўлни тўсиб чиқди-да:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалладан қиёмат кунида пичирлашиш ҳақида қандай ҳадис эшитдинг?» деб сўради. Ибн Умар:

«У зотнинг шундай деганларини эшитдим», деб жавоб қилдилар: «Аллоҳ азза ва жалла мўминни ўзига яқинлаштириб, уни қўлтиғига олиб, одамлардан тўсиб, гуноҳларига иқрор қилдиради. Унга, манави гуноҳни биласанми? Бунисини-чи? Мана бунисини-чи? дейди. У банда гуноҳларига иқрор бўлиб, ҳалокатга учраганини тан олиб турганида, Аллоҳ таоло, мен у дунёда буларни сатр қилган (беркитган) эдим, энди эса, мағфират қиламан, дейди ва ҳасанотлари китобини беради. Аммо кофир ва мунофиқларга бўлса, бундай дейди: «гувоҳлар: «Анавилар Роббилари шаънига ёлғон гапирганлардир. Огоҳ бўлингким, Аллоҳнинг лаънати

золимларгадир», дерлар».

Ушбу оятдаги «гувоҳлар»дан мурод фаришталар, Пайғамбарлар ва мўминлардир.

Кейинги оятда ўша золимларнинг васфи келади:

19. Улар Аллоҳнинг йўлидан тўсарлар ва унинг эгри бўлишини хоҳларлар ҳамда охиратга куфр келтирувчи кимсалардир.

Аслида, бандалик бурчи Аллоҳга иймон келтириб, Унинг кўрсатган йўлидан юрмоқлик эди. Аммо булар зулмкор бўлдилар, ўзларининг иймон келтирмаганлари етмаганидек, бошқаларни ҳам:

«Аллоҳнинг йўлидан тўсарлар ва унинг эгри бўлишини хоҳларлар».

Бу эса, зулм устига зулмдир. Бугунги кофирларнинг иши ҳам худди шу. Одамларни нима қилиб бўлса-да Аллоҳнинг йўлидан тўсадилар. Ҳатто улар ўз эгри табиат ва хоҳишлари ила Аллоҳнинг йўли ҳам эгри бўлишини истайдилар.

Шундай иймонсизлик зулмдир, қаерда иймонсизлик бўлса, ўша ерда зулм ҳукм суради.

Шунингдек, иймонсизлик эгриликдир. Қаерда иймонсизлик бўлса, у ерда, албатта, эгрилик бўлади. Чунки:

«улар охиратга куфр келтирувчи кимсалардир».

20. Ана ўшалар ер юзида қочиб қутилувчи бўла олмадилар, уларга Аллоҳдан ўзга дўст ҳам бўлмади, азоб бир неча баробар қилинур. Улар эшитишга қодир бўла олмадилар ва кўра олмадилар ҳам.

Куфр келтириб, нимага эришдилар? Ҳеч нарса қилолганлари йўқ. Ҳатто:

«ер юзида қочиб қутилувчи бўла олмадилар».

Қочиб қаерга ҳам борар эдилар. Аллоҳ таоло уларни қаерда бўлсалар ҳам, барибир жазолайди.

«уларга Аллоҳдан ўзга дўст ҳам бўлмади».

Улар Аллоҳга куфр келтириб, Уни ўз ихтиёрлари билан тарк этган эдилар. Аммо Аллоҳдан ўзга ҳеч ким уларга дўст ҳам бўлмади, ёрдам ҳам бермади, ҳимоя ҳам қилмади. Энди эса, қиёматда уларга:

«азоб бир неча баробар қилинур».

Чунки улар бу дунёда яшаган чоғларида бепарво бўлдилар:

«Эшитишга қодир бўла олмадилар ва кўра олмадилар ҳам».

Эшитганда ибрат қулоғи-ла тинглаб, фойда олмадилар. Кўрганда ибрат кўзи-ла кўриб, иймонга келмадилар.

21. Ана ўшалар ўзларига зиён қилганлардир ва тўқиган нарсалари улардан ғойиб бўлди.

Куфр ва ширклари туфайли шунақа ҳолга тушганлар ўзларига зиён қилганлар бўлмай, ким бўлсин?! Улар иймонга, Исломига даъват қилинса, ўзларича юрмадилар. Куфр ва ширкда туриб олдилар. Уларни ҳеч ким кофир бўлишга мажбур қилгани йўқ. Ўзларига ўзлари зиён қилдилар. Охири келиб, тўқиб олган нарсалари ғойиб бўлди-йўқолди. Энди эса:

22. Шак-шубҳасиз, албатта, улар охиратда яна ҳам кўпроқ зиён кўргувчилардир.

Уларнинг зиёнига ҳеч қандай зиённи тенг қилиб бўлмайди. Шундай қилиб, улар икки дунёда зиёнкор бўлдилар. Улар ана шундай аянчли ҳолда турганларида, бошқа томонда тамоман ўзгача манзарани кўрамиз.

23. Албатта, иймон келтирганлар, яхши амаллар қилганлар ва Роббиларига ишонч ила бўйинсунганлар, ана ўшалар, жаннат эгаларидир. Улар унда абадий қолурлар.

Иймон, яхши амал қилиш ва Аллоҳга бўйинсуниш бир-биридан ажралмайдиган сифатлардир. Булар ҳақиқий мўмин-мусулмоннинг сифатларидир. Бу сифатларга эга бўлганлар, албатта, жаннатга киритилиб, унда абадий қолурлар.

Аввалда кофирнинг сифатлари, оқибати баён қилинган эди. Энди эса, мўминнинг сифатлари ва оқибати зикр қилинди. Солиштириб кўринг-а, фарқ қанчалик улуғлигини дарҳол сезасиз.

24. Бу икки гуруҳнинг мисоли худди кару кўр ҳамда эшитувчи ва кўрувчига ўхшайдир. Улар бир-бирларига баробар бўла оладиларми? Ибрат олмайсизларми?

Кофир билан мўминнинг орасида ер билан осмонча фарқ бор. Кофир кўр ва кар одамга ўхшайди. Мўмин эса, кўзи, қулоғи бутун, ҳам кўриб, ҳам эштадиган одам кабидир.

«Улар бир-бирларига баробар бўла оладиларми?»

Албатта, йўқ. Куфри туфайли қалб кўзи кўр, ибрат қулоғи кар бўлиб қолган кофир бу дунёнинг ҳақиқатини кўролмайди, эшитолмайди. Ҳаммаёққа урилиб, туртилиб-суртилиб юради. Иймони сабабли қалб кўзи ва ибрат қулоғи очик бўлган мўмин эса, ҳамма нарсани кўриб, эшитиб, яхши йўлни танлаб, тўғри ва шаҳдам юради.

«Ибрат олмайсизларми?!»